

# ТОШКЕНТ

# ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 159 (10.464)

2005 ЙИЛ 16 АВГУСТ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Дир Кўни*  
Янгилар, воқеалар

**Кўни**  
Сайра

● **БУГҲН** Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Миллий армиямиз—Ватанамиз тинчлиги, мустақамлиги кафолатидир» деб номланди.

● **ЭРТАГА** Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Миробод туман бўлими томонидан тумандаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтадиган «Ватанга хизмат қиламан» мавзудаги тадбирда ҳарбийлар, ота-оналар, «Камолот» ЁИХ Миробод туман Кенгаши вакиллари иштирок этадилар.

● **БУГҲН** Шўжур Бурхонев маҳалласида «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан инглиз тилини ўқитиш бўйича ташкил этилган ўқув курсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **БУГҲН** Абдулла Қодирий, «Дархон», «Ватан», «Хуросон» маҳаллаларида «Камолот» ЁИХ Учтега туман Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир «Тилларни ўргатнамиз» деб номланди.

● **БУГҲН** «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгашида компьютер курсини битирган ёшларга сертификатлар топширилди.

● **БУГҲН** Юнус Ражабий маҳалласида «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуда ўтказилган дара суҳбати Яқасарой туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими, «Маҳалла умидлари» маркази, туман ички ишлар бўлими, «Манавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

13-14 август кунлари ушбу шior остида бугун мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди. Мазкур тадбир давомида 370 минг гектар ҳудуд ободонлаштирилди, 21 минг километр узунликда ирригация тармоқлари тозаланди.

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ: МЕНИНГ УЙИМ, МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Аслида «ҳашар» сўзининг этимологияси номаълум, лекин унинг маъноси ҳар бир ўзбекистонликка яхши тушунарлидир. Ҳашар — бу ҳамжихатликда, биргаликда қилинган хайрли ишлар, муҳтожларга бевосита, бегараз кўрсатишган ёрдамдир. Халқимизнинг ушбу қадимий аънанасининг қадр-қиммати шундаки, ҳар бир инсон эътибор ва ҳурматга лойиқ, қийинчилик дақиқаларида унга албатта ёрдам кўрсатилиши шубҳасиз.

Кўни кеча бўлиб ўтган умумхалқ ҳашари кунларида кам таъминланган оилалар, ёлғизлар, қариялар, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига деярли 280 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарҳақиқат, ҳашар вақтини танламайди, инсонлар уни кўнгли тусган вақтда — ҳар кўни, вақти келса — ҳар соатда ўтказиши мумкин. Шу билан бирга ҳашар инсонларни ягона эзгу мақсадлар сари қорлайдиган умумхалқ тавсифига эгадир.

Мамлакатимизни янада озода ва гўзал, унинг кўна ва маҳаллаларини бундан-да обод ва кўжаламзор қилиш — ушбу хайрли ташаббус илд Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида ўтказилган икки кўнлик ҳашар юрдошларимизни яна бир бор бирлаштиради.

Ҳар доимидек, ушбу тадбирнинг мувофиқлаштирувчи маркази сифа-

тида «Маҳалла» жамғармаси жонбозлик қилди. Икки кун давомида эрта лабдан кечга қадар республика, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида ҳашар штаблари фаолият юритди. Жойларда амалга оширилган ишлар юзасидан мунтазам равишда ҳар соатда тўпланган маълумотлар тегишли тарзда ягона базага жамланб борди.

«Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Баҳродир Қосимов ахборотига кўра, пойтахтимизда бўлиб ўтган ҳашарда 474 та маҳалладан 560 минг аҳоли иштирок этди. Улар томонидан 288,9 гектар ҳудуд ободонлаштирилиб, 286,7 километр ирригация тармоқлари тозаланди, 45 мингдан зиёд дарахларга шакл берилиб, оқланди. Бу хайрли ишларда шаҳримиз автокорхоналари катта ёрдам кўрсатди. Турар жой мавзелари ҳудудларини тозалаш ва чиқиндиларни олиб чиқиш кетиши ишларига 530 дан зиёд турли автотехника воситалари жалб этилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу сафарги ҳашарда халқимизга монанд бўлган меҳр-шафқат ва саховатпешалик янада яққолроқ намоён бўлди.

264 та кам таъминланган, кўмакга муҳтож оилаларга 20 миллион сўмга тенг моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳашар йўли билан 22,2 минг квадрат метр уй-жой майдонлари таъмирланди. Бу борада ша-



**XVI сағоси**  
аср  
Барча маблардан олинган сўнги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● «Кўмир» очик акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарда кўмир қазиб олиш ҳажми тобора ошиб бораётир. Хусусан, қаттиқ ёқилгининг энг йирик ҳавзаси «Ангрен» кўмир қонида етти ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105 минг тонна кўп кўмир қазиб олинди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика теҳник ва амалий спорт турлари Маркази ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

● Эллиққалъа тумани маркази-Бўстон шаҳрида Мустақиллик байрами арафасида атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Отажон Ҳудойшукров хотирасига бағишланган ёш хонандаларнинг IV республика кўрик-танлови ҳамда ёш шоирларнинг «Ақчақул илҳомлари» III республика семинари-мушоираси бўлиб ўтди.

● Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида «Нуроний» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими томонидан 727 минг сўмлик дори-дармонлар хайрия сифатида марказий сифохонага бепул топширилди.

● «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида Қорақалпоғистонда соғломлаштириш ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Жулмадан, Тахташ ҳамда ёш шоирларнинг «Ақчақул илҳомлари» III республика семинари-мушоираси бўлиб ўтди.

● Баҳвал туманида мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар сони бештага етди.

**Жаҳонда**

● Перу Президенти Александр Толедо ҳукуматдан барча вазирилар кўни кеча истеъфога чиққан Вазирилар маҳкамасининг раҳбари Карлос Фереродан ўрнат олишни талаб қилди.

● Европа мамлакатларида эндиликда ишлатиб бўлинган машиини теҳника воситаларини чиқинди хонага ташлаш эмас, балки уни ишлаб чиқарган фирмага топшириш мумкин. Бу «бир кўнлик» фирмалар фаолиятига қеч кўйиш ва экологияни яхшилаш йўлида ташланган қадамдир.

● Марс сайёрасини ўрганиш мақсадида янги «Mars Reconnaissance Orbiter» космик аппарати фазога парвоз қилиш оқдида турибди. Россия ва АҚШ олимлари томонидан яратилган мослама энг сўнги илм-фан ва технологияларга асосланган ҳолда қурилган.

## ФЕСТИВАЛЬ САНЪАТ САРИ ЙЎЛ ОҚДИ

Болалар ижоди Ўзбекистоннинг кўп қиррали маданиятида ўзига хос ўрин тутади. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ёш созандалари, рақослари, хонанда ва мусаввирлари кўпгина нуфузли халқаро танловларда ғолибликни қўлга кўриштириб, Ўзбекистондан ташқарида ҳам танилмоқда. Бу эса Президентимиз Ислам Каримовнинг иқтидорли, билимли Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги доимий ғамхўрлиги самарасидир. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг энг истиқболли ижодий лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдек хайрли иш билан нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари ҳам шўғулланмоқда.

Айнан шу мақсадда ўтказилаётган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг финал босқичи ва ғолибларнинг гала-концерти пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтди. Аънананага айланган мазкур фестиваль «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган. Мазкур жамғарма республикамиз ҳамда хорижда ҳам мамлакатимизнинг бой маданиятини тарғиб қилувчи тадбирлар ташкилотчиси сифатида



яхши билишади. Утган йили ўтказилган биринчи фестивалда 300 нафардан ортиқ иқтидорли ўғил-қиз катнашди. Уларнинг аксарияти учун бу тадбир ўзини намоён қилиш имконияти бўлиш билан бирга катта санъат эшикларини ҳам очди. Чунончи, жамғарма кўмагида «Янги авлод-2004» фестивалининг лауреати Нурон Муқимий Италияда ўтказилган XV Халқаро пианиночилар танловида иштирок этиш имконига эга бўлди. Баҳорда В.Успенский номидаги



республика махсус мусиқа академик лицейи Ўсмирлар симфоник оркестрининг иккита катта концерти ташкил этилди, мазкур оркестр таркибида эса фестивалнинг бир нечта лауреатлари бор. Жамғарма ташаббуси билан Самарқандда очилган Санъат ва болалар ижодиёти маркази ҳам иқтидорли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби хайрли иш билан машғул.

Давоми 2 -бетда.

Давоми 3 -бетда.

Давоми. Боши 1-бетда.

«Ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти хашар кунлари асосий эътиборни меҳр-муруват ишларига қаратди. Жумладан, ушбу йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда тумандаги кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ўз хиссасини 2 миллион сўмлик энг зарурий озиқ-овқатлар билан таъминлаш кўринишида қўшди. Бундан ташқари, тумандаги қўл қаватли уйларнинг 600 дан зиёд йўлак эшиклари «Подъёмник», «Тошқиллоқмаш», «Тошкент-вино», «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятлари маблағлари ҳисобига янгиланди.

— Кўрсатиб ўтилган корхоналар тумандаги деярли барча қўл қаватли уйларни ҳомийликка олган, — дейди «Маҳалла» жағмармаси туман бўлими раиси Озод Шоумаров. — Ўз молиявий ҳўжали фаолиятидаги қўйинчиликларга қарамасдан, улар уйларни таъмирлашга маблағ ва имконият топмоқдалар. Хашар кунлари бу корхоналар ёрдамида 149 ва 152-мактабларда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари давом эт-

**УМУМХАЛҚ ХАШАРИ:  
МЕНИНГ УЙМ,  
МЕНИНГ  
МАХАЛЛАМ**

тирилди. Ўз навбатида, миннатдорчилик тарзида бағрикенг ва саховатпеша инсонларни байрамларимизга тақлиф этишни нўтмаймиз. Чўнончи, бугун, 16 август кўни 52 та маҳалла аҳли туман Маҳалла кўнини нишонлашга йиғилдилар ва бу тантанавий тарзда бўлиб ўтадиган маросимда бизларга беғараз кўмак бериб келадиган корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоалари вакиллари энг ҳўрматли меҳмонимиз бўлиб қоладилар. Дарвоқе, тумандаги энг яхши маҳаллани аниқлаш юзасидан тузилган ҳайъат аъзолари асосан меҳмонларимиз таркибидан тузилган.

109-мактабда (Учтепа тумани) бу сафарги хашар танишув тарзида бўлиб ўтди. Гап шундаки, янги ўқув йилидан бошлаб ушбу ўқув маскани эндиликда тўғарак мақомини олган 177-мактабнинг 300 дан зиёд ўқувчилари учун ҳам қадрдон бўлиб қолади. Хашар эса иккала мактаб ўғил ва қизлари учун дўстлик ва ўзаро ҳўрмат кўчини амалда синиб кўришга имконият бўлди. Ўқувчилар мактаб ҳудудини ободонлаштиришда, шўнингдек, ўз устозларига синфларни оқлашда ҳамда ўқув мебель ҳижозларини таъмирлашда ёрдам бердилар. Келгуси йилда эса Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига асосан 109-мактабда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Чилонзор туманида ҳам хашар ва умуман август ойи бошидан бўён ўтказилаётган ободонлаштириш ишлари ўзига хос тарзда кечмоқда. Маълумки айни кўнларда шаҳримизда қишлоқ ҳўжалик ярмаркалари бўлиб ўтмоқда. Чилонзор туманига Қашқадар вилоятта бириктирилган бўлиб, бу ерда еттига манзилда вирият деҳқонлари томонидан етиштирилган мева-сабзавотлар савдоси бўлиб ўтмоқда. Бундан ташқари, Чилонзор тумани ва Қашқадар вилоятга ҳокимликлари даражасида пойтахт тумани эҳтиёждан оилаларига қиш мавсумида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини захира қилишда ёрдам кўрсатиш шартномаси тузилган. Кўни кеча бўлиб ўтган хашарда ушбу шартнома ўз кўнига кирди деса бўлади.

— Шу билан бирга вилоятнинг 12 та тумани бизнинг тумандаги 49 та маҳаллада байрам тадбирларини ўтказишни режалаштирган, — дейди «Маҳалла» жағмармаси туман бўлими раиси Маҳаммадjon Деканов. — Хашар кўнлари эса маҳалладошлар 11 та гузарда капитал таъмирлаш ишларини яқунлашда иштирок этди. Бу масканлар байрам арафасида фойдаланишга топширилади. Шўнингдек, хашар йўли билан Усмон Юсупов номи маҳаллада ҳам гузар қуриб битказилди.

— Кўриб турганингиздек, — таъкидлади «Маҳалла» жағмармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Баҳодир Қосимов, — ҳар доимгидек бу сафар ҳам хашар ўз моҳияти ва аҳамияти билан ажралиб турди. Унинг бирлаштирувчи кўчи, руҳи нафақат пойтахтимиз, балки бутун республикамизни қамраб олди десак мўблага бўлмайди. Бундай ишларда энг муҳими — ташаббускорлик кўрсатиб, меҳнат кўчилари олижанобликка ундаши, яғона эзгу мақсадлар сари бирлаштиришга ишонтира билишдир. Шу ўринда хашарнинг яна бир хўсусиятга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Кишилар хашарга ўз ҳўхши билан, қолаверса яхши ният ва обод кўнгли билан чиқади. Кўчалар, маҳаллалар ободончилигида ҳамда хайрия акцияларида иштирок этиб, улар шахсий ибратлари билан халқимизнинг аънаналарини фарздандаримизга етказадилар. Шу боисдан-да хашарнинг олижаноб аънаналари асрлар оша яшайверди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Ўзбекистон суверен давлат мақоми кўлга киритганига 14 йил тўल्याпти. Бугун, ана шу муқаддас сана арафасида энг улуг, энг азиз байрамимиз қўзини тайёргарлик давом этаётган паллада истиқлол йилларининг силсиласи ҳар кимнинг хаёлида яна бир қарра жонланиши аниқ. Шу қисқа давр ичида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. «ЎзДЭУавто», «СамКочавто», нефтни қайта ишлаш заводлари, газ-компрессор станциялари, трансконинентал автомобиль ва темир йўл магистраллари — булар фақат йирик лойиҳаларнинг айримлари.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ АЙТАР СЎЗИ БОР**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тўзимидидаги қўллаб ташкилотлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, ТРАСЕКА, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, қатор бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалардаги иштирокчимиз эса Ўзбекистоннинг жаҳон сўбат майдонидидаги нуфузи ортиб бораётганини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ўтган 14 йил давомида Ўзбекистон тараққиётнинг нисбатан анча кўп вақт талаб этадиган довларидан ошиб ўтди. Юртимизда эришилаётган ютуқлар ҳар доим ҳам осонлик билан кўлга киритилаётгани, бир маромда раванқ топаётгани йўқ, десак хато бўлмайди. Оғир синов дамлари ҳам бўлди.

Ўзбекистон мустақиллик арафасида турган кезларидеки фитналарга дуч келди. Миллатлараро низоларни келтириб чиқаришга уришни эсга олайлик. Ушунда Ўзбекистон раҳбари вазминлик билан иш юритмаганида ҳозирги аҳвол қандай бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи ваҳимали - Марказий Осиё халқлари ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ўрнига бир-бирига душманлик йўлига тушиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Йўқ, Бунга йўл қўйилмади.

Иқтисодий фитна ва нафратлари ҳам барча яхши эслайди. Кейинроқ Марказий Осиёнинг марказий давлати бўлган Ўзбекистон орқали бутун минтақага таъсир доирасини ёйиш ниятида бўлганларнинг таъйиқларини бошдан кечирдик.

Одатда халқаро майдонда муҳим ўрин тутган, айтар сўзи муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакатларгина шундай синовларга дучор бўлади. Файласуфлар давлатни одамга беҳиз қилмас эканлар. Иши юришиб турган, ўз кўчи ва меҳнати билан обрў-эътибор ва мартаба қозongan, керакли жойда сўзи ўтадиган кўшига кўнчилик ҳасад билан қарайди. Унга панд беришга, йўлдан оғдиришга уринувчилар бўлади. Панадан туриб тош отади, бошқаларни унга қарши гўлжлашга уринади.

Шўқри, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида юртилаётган доим сўбат, шу жумладан, пухта ўйланган оқилона ташқи сўбат сўбайли Ўзбекистон фитна ва синовлар гирдо-бидан омон чиқди.

Сўсий ва иқтисодий буронларни мардонавор енгиб ўтган Ўзбекистон пухта сўбат сўбайли ҳаётий муҳим муваффақиятларни кўлга киритиб келди. Сўсий мустақиллик иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамланди - гап мустақиллиги, ёқилич-энергетика мустақиллиги, ишлаб чиқариш ва саноатнинг Ўзбекистон учун янги бўлган турлари...

Мамлакатимиз раҳбарларининг 90-йилларда турли нуфузли ташкилотлар минбарларидан халқаро жағмаиятини оғоҳликка давлат этди. Афгон инқирози, террорчилик ва экстремизм, қурол-яроғ ва наркотиклар контрабандаси, Орол муаммоси...

Бу қўқриқлар ҳали-ҳануз дўгзарблликка қолмоқда. Моҳият шўки, Ўзбекистон раҳбарининг кўюнишлари замирида, табиийки, аввало Ўзбекистоннинг ҳавфизлигини таъминлаш борасидаги манфаатлари муҳасам, лекин кенгрок қаралганда, буларнинг барчаси умумбашарий аҳамият касб этувчи муаммолардир.

Эсга олайлик Жаҳон аҳлини Афғонистондан бутун дўнға тарқалаётган ҳавф-хатардан 1993 йили БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида биринчи бўлиб Ислом Каримов оғоҳландирди. Аммо Ўзбекистон раҳбарини ташвишга солган бу муаммога юзаси қарашлар бўлди. «Менга теғмеяйтими, демек, менга дахли йўқ», деган фикр устун бўлиб келди. Террор учун транзит мамлакат йўқлиги ва бўлиши ҳам мўжиз эмаслиги айрим давлат раҳбарларининг хаёлидан фаромўш бўлди гўё. Афғонистонга жиҳдий эътибор фақат 2001 йил 11 сентябрдан кейингина қаратилди. Бу фожиа бўлишининг кўзини очган бўлса, ажаб эмас.

Бизнес қамрови кенгайиши учун қўлайликлар туғдирибати ҳам сир эмас.

Ўзбекистон ҳам, бошқа давлатлар ҳам Макон ва Замон уммонида сузиб бораётган кема-лардир. Ҳамма тараққиёт ва фаровонлик сари интилади. Аммо ўзининг катта-кичилиги, савту салобатига қараб, йўлни ҳар бир кема турлига танлаган. Айримлари ҳалол, одил ва покиза. Айримлари ўзгаларни тизгинга солган, айримлари... ўзганин тизгинга қолган.

14 йиллик шонли тарих Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлдан оғдиришга уринишларининг анча-мўнчасига гувоҳдир. Лекин Президент Ислом Каримов бундан анча йиллар илгари таъкидлаганидек, Ўзбекистон айсберг эмас ва оғиш хўсусиятидан холидир.

Ўзбекистон дўнедаги барча давлатлар билан ҳамкорлик учун очик, Бунинг яғона ва одил шарти бор, ҳолос. Алоқалар ўзаро тенглик, ҳўрмат ва манфаатдорлик асосида қурилиши керак. Бу ҳамкорлик бошқа давлат ё давлатлар гуруҳига қарши қаратилмаган, гаразли ниятлардан пок бўлиши лозим.

Мана шу қатъий ва изчил тамоийл 14 йиллик улкан тарихда заррача ўзгармади. Лекин Ўзбекистон бугун дуч келадиган ғайритабиий қўйинчиликлар фитна ва синовлар ҳали барҳам топмаганидан далолат бермоқда. Нима учун «ғайритабиий»? Шўнинг учуни, табиий қўйинчиликлар давридан Ўзбекистон аллақачон чиқиб кетган. Бу ёғи, айтиш мўмкини, кўндалик юмушлар, ҳўжалик, маданият, спорт ва ҳўказо бўлиши керак эди.

Ўзбекистонни ғайритабиий, ҳатто сўний деб аташ мўмкин бўлган мушкулотлар тинч қўймаётгани алам қилади. 16 февраль, Боткен, Сарийосий воқеалари, Тошкент ва Бухородаги портлашлар узун ташланган арқоннинг эчи, аникроги, бир занжирнинг ҳалқалари эканлиги аён бўлди. Жорий йил 13 май кўни Андижонда содир этилган хўнрезлик эса ҳар турли ваҳ билан Марказий Осиёда вазиятни издан чиқариш, кейин бу ерда ўз ҳўкминин юргизиш ниятида бўлган кўнларнинг гаразли мақсадларини яна бир бор очик-ойдин кўрсатиб берди.

Андижон воқеалари замирида айрим давлатларнинг геосўсий ўйинлари, ақидапарастларнинг халифалик қуриш ҳақидаги жом-хаёллардан келиб қичувчи режалари, халқаро террорчилар ва нарқоборонларнинг янги, бетартиб ва беназорат траффиклар очиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари муҳасам дейиш мўмкин.

Кўп синовларни бошдан кечирган Ўзбекистон тақдирининг бу зарбасига ҳам дош бера олди ва бутун минтақани узоқ йиллик бошбошқоқлик ва беқарорлик азобларидан қутқариб қолди.

Шў ўринда Андижон воқеаларини бироз шарҳлаш жазм этамиз. Андижондаги кўп-рўвчилик ўта қисқа фурсатда, таъбир жоиз бўлса, заргарларча нозиклик, аниқлик ва эҳтиёткорлик билан бартараф этилмаганида нималар бўлиши мўмкин эди?

Авалло шўни эслайтиб ўтиш жоизки, хорижий давлатлар махсус хизматларининг маълумотларига кўра, ўша кўни Афғонистонда ва қўшни давлатлар чегараларида террорчи гуруҳларнинг ҳаракатга тушиб қолгани кузатилган. Улар санокли кўнларда бутун водийни катта тўполон майдонига айлантириши мўмкин эди. Бу орада профессионал фитначилар акани укага, отани ўғлига душман қиларди. Турли миллатлар яшайдиган бу ҳудудда миллий низоларни чиқариш ҳам қўйин эмас эди. Шундай «касб» эгалари йўқлигида ким шўбҳа қилади?!

Ҳўш, кейин-чи? Кимдир халифалик учун қураша бошлайди, кимларнидир интиком жўнбишга келтиради. Бундай шароитда айрим давлатлар геосўсий ва геоиқтисодий мақсадларини рўёбга чиқариш учун қасдий тўдадан қандай фойдаланади - худо билади. Лекин шўни аниқки, бу бетартиблик узок вақт ҳўкм суриши мўмкин. Нарқобиз-несоник ҳам кўни тўғади. Шу тариха беқарорлик бутун Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариши ҳеч гап эмас.

Афўсуки, олди олинган бу мудийш оқибат ҳам эътибор ҳамма жойда бир хил эмас. Андижон воқеаларидан кейин Ўзбекистон ахборот хўружига учради. Бу хўруж виртуал

оламда Ўзбекистонни бадном қилишга қаратилган эди. Лекин ахборот хўружи ташкилотчилари кўзлаган мақсадига эриша олмади.

Андижон воқеаларидан кўп ўтмай, Лондонда портлашлар юз берди. Дўнё мамлакатларидаги ўзрвонлик ва хўнрезликларга мулкларо алоқаси йўқлигини айтиб келадиган халқаро экстремистик ташкилотларнинг раҳбарлари бу қадим шаҳардан яхши бошпана топгани сир эмас. Лекин шу ҳолда ҳам Лондонда кўпуровчилик содир этилди. Ёдга беҳитёр «ётим кўзи асрасан...» деб бошланувчи мақол келади.

Ўзбекистон - террор ва экстремизмга биринчи тўсий вазифасини ўтаётган «фронтолд» мамлакат», бу иллатлардан кўп азият чеккан давлат. Мамлакатимизга қарши бошланган ахборот хўружи Ўзбекистоннинг ташвишли даъватларига, оғоҳлантиришларига соя солмоқчи эди. Лондонда содир этилган, Европанинг бошқа давлатларида олди олинган портлашлардан кейин бу фитна ташкилотчиларининг кўзи сал очилгандай бўлди. Зеро, бирининг қулфатидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган.

Ҳа, Ўзбекистон истиқлолнинг биринчи кўнларида эълон қилган тамоийилларига содиқ турибди, халқаро муаммоларга муносабатини баралла эълон қилмоқда. Жаҳон аҳлини, бошқа давлатларни иқтисодий, сўсий ҳамкорликка, таҳдидларнинг олдини олиш ва ҳавфизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликка давлат этмоқда. Мана шу ўзгармас сўз ва овоз, ўзгармас даъват - Ўзбекистоннинг ёрғ юзидир...

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсис этилишида, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг тузилишида Ўзбекистоннинг ўз сўзи муҳим ўрин тутган. «Шанхай бешлиги»га кузатувчи сифатида қўшилган Ўзбекистон «бешлик» неғизидан улкан салоҳиятга эга ташкилот тузиш ташаббусини илгари сурди ва шу шарт билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб қўшилди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ҳам Ўзбекистон ташаббусининг мевасидир. Минтақа давлатларининг халқ ҳўжалиги бир-бирига боғлиқ эканлигини инobatга олсақ, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда ҳавфизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик ана шу ташкилотнинг восита ва механизмлари ёрдамида ривож топиши энг мақбул йўл экани аён бўлади.

...Дипломатлар билан сўхбатлардан биринчи бўндай мазмундаги гап бўлган эди: Турли нуфузли ташкилотларнинг форумларида, саммитларда иштирокчилар Ўзбекистон томонининг фикри қандай бўларкин, деган мушоҳада билан ўтиради. Чўнки Ўзбекистон ҳеч қачон «навбатчи ташаббус», «навбатчи тақлиф» ни илгари сурмаган, Ўзбекистон раҳбари эса сохта обрў ишқибози эмас. Шу боис ҳам бирор масала юзасидан Ўзбекистон томони билдирган фикр муқаррар инobatга олинади.

Ўзбекистон Президентининг хорижий сафарларини ёритишда қатнашган журналист сифатида шахсий кузатувларимдан мисол келтиришининг айни чоғи: тасаввур қилинг, нуфузли ташкилотнинг саммитларидан бирини. Президентлар бирма-бир сўзга чиқяпти. Мажлис залини мониторинг орқали кузатиб ўтирган журналистлар ўз мамлаката президентининг, айрим «катта давлатлар» раҳбарларининг нутқини эшитяптию ҳам «навбатдагилар»га келганда ҳеч бир истилоҳасиз чекиб келгани чиқиб кетишяпти.

Сўз Ўзбекистон раҳбарига берилади. Президент Ислом Каримов сўзга чиқади. Ана шунда қизик воқеа содир бўлади. Турли мамлакатдан келган журналистлар ахширок эшитиш, диққотонга тинирок ёзиб олиш учун мониторинг олдига уюлиб олишади.

Бу кўп бор кузатилган оддий ҳақиқат, оддий манзара.

Демак, ҳар соҳада, ҳар қандай масалада Ўзбекистоннинг ўз айтар сўзи бор. Бу сўзининг нечоғли завороти эканини ўн тўрт йиллик тарихимиз исботлаб турибди.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

Бугунги шиддаткор давр талаби юртимизнинг янгиланиш босқичида Президентимизнинг ислохотларни жадаллаштиришга асос бўлган Фармон ва Қарорларининг ижросини таъминлашдир. Тадбиркорликни ривожлантиришга оид Президентимизнинг қатор Фармонлари ва Қарори юзасидан муҳбиримиз бутун республикада ўз сифатли маҳсулотлари билан яхши таниш бўлган «Монарх ТМ1» хусусий корхонаси директори, тадбиркор Сергей ЦИМБАЛОВ билан суҳбатлашди.

*Тадбиркорга — омад ёр*

## СИФАТИГА КАФОЛАТ БОР

— Ҳар бир нарса эҳтиёжга айланса ёки қонун йўли билан мустаҳкамлансагина қадри бўлади. Ярим-ёрти режаю ниятларнинг ўзи билан иш битириб бўлмайди. Катта ўзгаришлар замонида яшаётган эканмиз, ҳамма соҳаларда ислохотлар, айниқса иқтисодий ислохотлар жараёнида асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали майда товар ишлаб чиқарувчилар, яъни мулкдорлар синфини вужудга келтиришга қаратилмоқда. Ички бозоримизни етарли микдорда ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли, нисбатан арзон маҳсулотлар билан тўлдириш вазифаси тизимда янада кўпроқ ишларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун бугунги кунда республикамиз ҳукумати томонидан қўлай шарт-шароитлар ва етарли имкониятлар яратилган дейишга тўла асос бор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши билан бирга, уларнинг жадал суръатларида ривожланиши учун ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий негиз мавжудлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Корхонамиз бугунги кунда нафақат пойтахтда, балки юртимизда энг йирик майонез ва кетчуплар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Юксак сифат асосий кўрсаткичимиз, маҳсулотларимизга берилган медал ва сертификатлар бунга яққол далолат менимча. Охириги йилларда «Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ишлаб чиқариш технологияси ва қадоклаш» халқаро кўргазмаси, Ўзбекистонда аънавий ўтказиладиган «Йил танлови» қўрик-танлови ҳамда ўтган йили «Европа аркаси. Сифат ва технология» кўргазмасининг олтин сифат соҳиби бўлган корхона маҳсулотлари ҳақиқатан ҳам сифати, хуш таъми, экологик тоза хом ашёлардан тайёрланиши билангина эмас, чиройли, бежирим, жуда қўлай идиш-

ларда қадоқланиши билан ҳам миждоқларини мамнун қилмоқда.

Корхонамиз жамоаси ҳар қандай нозиктаб харидорнинг хоҳиш-истагини инobatга олган ҳолда бир неча хилдаги қадоқлаш материалларидан унумли фойдаланмоқда. Маҳсулот тайёрлаш технологияси эса жаҳон талаблари даражасида бўлиб, уларнинг барчаси сертифициланган.

Жамоа аҳлининг баракали меҳнатида цехлардаги юксак самарали дастгоҳ ва ускуналарнинг мадади



катта. Корхонамиз тадбиркорлари ички бозорни тинмай, чуқур ўрганиш асосида бугунги кунда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолининг таъбиға мос маҳсулотлар тайёрланишига эришмоқда. Янгиланган ўчлик, изланиш оқибатида айни кунларда яна бир янги маҳсулот устида иш олиб боришмоқда. Ушбу лойиҳа россиялик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли асосларда амалга оширилиши режаланган.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, эндиликда бизда — тадбиркорларда кўш қанот пайдо бўлдики, бири эркинлик, иккинчиси ҳуқуқий ҳимоя. Шундай имконият ва шарт-шароитлар иқтисодиётимизни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг янада кенгайишига олиб келиши билан бир-



га, ҳар бир тадбиркорнинг моддий томондан ўсишига имкон яратлади.

Президентимизнинг яқинда қабул қилган қатор Фармонлари ва Қарори бизни руҳлантирди. Аксарият вақтимиз (ҳисобот шакллари га қараб тайёрлашнинг ўзига кетган вақт ҳам) солиқ ҳисоботларини топширишга сарф бўларди. Айниқса, туман солиқ идорасида навбат кутишлар тадбиркорнинг қимматли вақтини олиши, асаблар таранг тортилишига эндиликда «нуқта» қўйилганлиги бениҳоя қувончли. Чунки 1 июлдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектлари ҳар ойда эмас, балки чоракда бир марта ҳисобот топшириши аниқ белгилаб қўйилди.

Тадбиркорларнинг ҳўжалик фаолиятларини текшириш фақатгина давлат солиқ идораси тизими томонидан амалга оширилишининг жорий қилинганлиги — текширишларнинг кескин камайганлиги ҳам мақсадларимизга мувофиқ бўлди.

Қисқаси, давлатимизнинг буюк келажagini яратишимиз учун устун тарзда иқтисодиётимизни юксалтиришимиз керак. Биз — тадбиркорларнинг иқтисодиётимиз ривожига асосий кучга айланиб бораётганлигимиз жуда катта масъулият юклайди ва ўз навбатида ўзимизга қатъий ишончимизни ҳам оширади. Эндиликда меҳнат қилиш орқали эзгу мақсадларимизнинг оидин йўллари га қадам ташлашимиз осонлашди.

**МУХАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА**  
СУРАТЛАРДА: «Монарх ТМ1» хусусий корхонаси цехларида ишлар доимо қизгин; ички бозоримиздан мўким ўрин олган харидорлар майонез ва кетчуплар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

## ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ

Иқтисодий ўсиш омиллари га табиий ва меҳнат ресурсларининг микдори ва сифати, асосий капиталнинг ҳажми, ишлаб чиқариш технологиясининг даражаси, яъни миллий маҳсулот га бўлган талаб, ресурсларнинг мақсадга мувофиқ тақсимланиши ва бошқалар кирлади.

Миллий манфаатлар талабларига жавоб берувчи ва иқтисодий ўсишга зарур бўлган шарт-шароитларни яратувчи макроиқтисодий тартибга солишнинг энг мақбул стратегиясини асослаш мураккаб вазифа бўлиб, у ҳозирги замон жаҳон ривожланиши қўниятларини чуқур ўрганишни талаб этади. Бунда қуйидаги масалалар катта аҳамиятга эгадир:

— инфляция даражасининг ўзгариши, пул массасининг ўсиш суръатлари, миллий валюта девальвацияси, давлат истеъмоли даражаси, иқтисодий муҳитнинг индикаторлар кўрсаткичлари ва параметрларининг йўл қўйилиши мўким бўлган чегаралари қандай бўлиши;

— иқтисодий ўсиш суратлари ва санаб ўтилган индикаторлар ўрта-сида тўғридан-тўғри боғлиқлик борлиги;

— иқтисодий ўсишнинг энг юқори суръатларини таъминлаш учун давлат томонидан тартибга солиш.

Ўтиш иқтисодиётини бошидан кенчаётган давлатлар учун бу масалалар нафақат абстракт-назарий, балки ҳаётий муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Етақчи-иктисодчи олимлар томонидан келтирилган масалалар бўйича ягона жавоблар йўқ. Уларнинг баъзилари жумладан, қатор халқаро молиявий ташкилотлар вакиллари иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш мақсадида рақобат — бозор механизми амал қилишида ҳар қандай чеклашларни олиб ташлаш, иқтисодий жараёнларни тартибга солиш соҳасидан давлатни чиқариш зарур, деган фикрни билдирдилар.

Базиллар Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ҳозирги замон бозор иқтисодиётини давлатнинг фаол ёрдамисиз ва давлат томонидан тартибга солишининг юқори даражаси сақланиши эзога келтириб бўлмаслигига асосландилар.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг кўпчилик элементларининг аниқ бир мақсадга йўналтирилган тизимга айланиши ягона илмий-техника сибатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, иختимий ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатуви таркибини шакллантириш, уни амал қилишнинг рационал таъкид этишни тақозо этади. Бу борада қуйидаги ўзгаришларни амалга ошириш зарур:

— қишлоқ ҳўжалик тармоғини янги техника билан жиҳозлаш ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини ва у билан боғлиқ соҳаларни тақомиллаштириш;

— иқтисодиётнинг етақчи тармоқлари (нефть, газ, энергетика, олтин қазиб олиш ва кимё саноати, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати) илмий техника қайта жиҳозлаш ва шу асосда табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

— энгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, ипак йиғириш соҳаларини замонавийлаштириш, тугалланган технология жараёни таъминловчи ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

— экспортга йўналтирилган ва импорт ўрини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, бутловчи (эҳтиёт) қисмларни республикада ишлаб чиқаришни амалга ошириш.

Иқтисодий ўсиш омиллари халқнинг турмуши фаровон, бозор мўносабатларининг эркин ривожланишига олиб келади.

**Марҳаб ШИРАНОВА,**  
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси

## ФЕСТИВАЛЬ САНЪАТ САРИ ЙЎЛ ОЧДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Жорий йилда фестиваль бутун республикани қамраб олди. Унинг Самарқанд, Фарғона, Урганч ва Тошкентда бўлиб ўтган саралаш босқичларида яқин ҳудудларда яшовчи 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 700 дан ортиқ иқтидорли болалар иштирок этди. Улар вокал, хореография, мумтоз ва миллий чолғу асбобларида ижро этиш, шеърят, тасвирий ва амалий санъат бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди. Мамлакатимизнинг таниқли маданият арбоблари болаларнинг ижодиға баҳо берди. Ўз маҳоратини кейинчалик янада ошириш салоҳиятига эга бўлган энг қўбилятли иштирокчилар финал босқичига йўланма олди.

Халқлар дўстлиги саройи ранг-баранг байроқлар ва фестиваль рамзи билан безатилган. Чунки бугун фестиваль иштирокчилари учун ҳам, уларнинг мураббийлари ва ота-оналари учун ҳам, қолаверса, барча санъат шайдолари учун ҳам катта байрам. Ёш артистлар навбат билан сахнага чиқди. Улар катта ҳаяжон оғушида бўлишига қарамай, ўз маҳоратини дадиллик билан намойиш этмоқдалар. Тошкентлик Ихтиёр Абдуллаев катта иштиёқ билан афғон рубоби-

да куй ижро этди, навоийлик Рушана Раҳмонова юксак маҳорат ва айни пайтда табиий бир назокат билан қўшиқ куйлади. Бухоронинг «Бойчечак» ракс гуруҳи ва бошқа иштирокчиларнинг ёрқин чиқишлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Фестивалнинг 15 голибига совинларни топшириш вазифаси ўзбек эстрадасининг таниқли артистларига юклатилди, улар тақдим этган дастурлар эса болаларнинг жўшқин иштиёқи, асл иқтидорини янада кенг намойён этди.

«Янги авлод» фестивали аввал катта сахнага чиқиш имкониятига эга бўлмаган иқтидорли ўғил ва қизлар орасидан кўпгина янги номларни кашф этди. Санъат йўли одатда анча машаққатли бўлади. Шу маънода, қўбилятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳоратини ошира бориш ва ўз санъати билан Ватанини мадҳ этишига ёрдам беришдек муҳим вазифани «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали бажараётгани эътиборга сазовордир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова иштирок этди.

**А. ИВАНОВА,**  
ЎЗА муҳбири

Тошкент вилояти деҳқонлари пойтахт аҳолисини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида шу йилнинг 1 августидан бошлаб шаҳар бозорларида савдо-ярмаркалари фаолиятини йўлга қўйди.

## ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ — ПОЙТАХТЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

— Айни пайтгача пойтахтнинг Миробод, Бектемир деҳқон бозорлари ва унинг ўндан ортиқ шохобчаларига минг тоннага яқин қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб берилди. — дейди вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Маъруф Айхўжаев. — Вилоятнинг Чиноз, Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлик, каби туманларидан келтирилаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари бозорга нисбатан 30 фоизгача арзон нархларда сотилапти.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан деҳқонларнинг савдо қилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Белгиланган режага қўра, бу йил пойтахтликлар дастурхонига 10 сентябргача икки минг тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берилди.

**Л. СУВОНОВ,**  
ЎЗА муҳбири

**Тарих — бу ўтмишнинг ибратли сабоғи, бугунги кечаётган ҳаётимизнинг тиник кўзгуси, нурли истиқболимизни теран идрок этиш, мушоҳада қилиш омилидир. Буюк Мигель де Сервантес Сааведра ибораси билан айтадиган бўлсак, «Тарих — бизнинг ютуқларимиз хазинаси, ўтмишимиз гувоҳи ва ҳозирги замон сабоғи ҳамда келажак огоҳидир». Асрлар мобайнида орзу қилиб келган орзумиз ва ютугимиз Мустақиллик тарихий хазинамизнинг мўъжаз гавҳари бўлиб қолади.**

Дарҳақиқат, тарих ўтмиш тўғрисида ҳикоя қилувчи ўзига хос маънавий мерос бўлиши билан бирга асрлар давомида йиғилиб сайқал топган бой ҳикматлар уммони ҳисобланади. Тарихдан инсоният қанча кўп симира, озикланса шунчалик руҳияти кўтарилиб, тафаккур чироғи равшанлашиб боради. 3 минг йиллик давлатчилик тарихи мобайнида халқимиз неча марта ўзга мамлакатларга тобе бўлди ва не-не машаққатли қурашларни бошидан кечирди. Лекин халқимиз доимо озодлик, эркинлик сари интилди. Чунки бизнинг аждоғларимиз орасидан бутун дунёга ўз илми, салоҳияти, кудрати-ю маданияти билан машҳур алломалар етишиб чиққан ва улар доимо озодлик ва мустақилликни тараннум қилганлар. Ўтган 14 йил давомида Мустақиллик тарих билан муштаракликда ривожланиб камол топди. Халқ равнақи, Ватан тараққиёти йўлида қўйилган вазифалар тарих мулкига таяниб бажарилди. Хўш, ўтган тарихан қисқа, лекин буюк ўғаришлар даври бўлган мустақиллик йилларида мозийнинг сирли ва жумбоқли воқеалари ҳамда тарихий жараёнлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ва ўзига хос миллат мураббийси бўлган тарих фани ва унинг тараққиёти борасида қандай амалий ишлар бажарилди? Собик шўролар тузуми давридаги мафкуравий сиёсат натижасида тарих фанининг жонсизланган ҳисмига мустақиллик йилларида қай тарзда янги руҳ бағишланди? Умуман олганда мустақиллик йилларида тарих фани қандай муваффақиятларга эришди-ю фандаги қандай муаммолар ўз ечимини изламоқда? деган саволларнинг пайдо бўлиши табиий бир ҳолдир.

Авалло, шунга таъкидлаш керакки, айнан мустақилликдан кейин халқимиз орасида ўз юрти, маданияти, ўтмиш мероси ва миллий қадриятларини билишга, ўзлигини англашга бўлган қизиқиш ортди. Тарихчилар томонидан эса қадимий, бой ва ранг-баранг тарихни яратиш борасида улкан ишлар бажарилди. Айниқса истиқлолнинг биринчи йилларида «Россиянинг Ўрта Осиёга («ихтиёрий») қўшиб олиниши», 1917 йилги «Улуғ Октябрь инқилоби», Туркистон Мухторияти ва жадидчилик ҳаракатининг «буржуа-миллатчилик ва реакцион характери» тўғрисидаги ҳамда ўзбек халқининг «ёппасига саводсизлиги» ҳақидаги коммунистик ақидалар инқирозга учради. Бу ишлар ҳақиқий тарихни ўрганиш йўлида дастлабки катта қадам эди. Лекин Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлат тарихини ёритиш ҳам талабга жавоб бермасди. Шунинг учун 1998 йилнинг июнь ойида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов бир гуруҳ етакчи тарихчи олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Республикаимиз Президенти улар билан ўтказган давра сўхбатларида «... ўз тарихини билган,

ундан руҳий қувват олган халқни енгиб бўлмайди. Шу боис биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуролантиришимиз зарур», — деб таъкидлаган эдилар. Қолаверса, айнан мазкур учрашувда Президент томонидан тарихчилар олдига: **Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг концепцияси қандай бўлиши керак? Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг давлатчилиги тарихини қандай ўрганиш лозим? Замоноавий тарихчининг қиёфаси қандай бўлиши керак?** — деган муаммоли ва ўз навбатида ўта муҳим вазифалар қўйилди.

Қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун тарих фанининг методологик асосларини тубдан ўзгартириш зарур эди. Шу боис Президент сўхбатидан кейин эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1998 йил 27 июль) тарих фанининг вазифаларини стратегик жиҳатдан ўзгартириш учун асос бўлди. Биринчи навбатда, Фанлар академияси Тарих институти янги тарихий тадқиқотлар маркази мақомига эга бўлди ва унинг фаолиятида туб бурилишлар амалга оширилди. Айнан мазкур қарордан кейин тарихчилар жамоаси таркиби янги, ёш, замонавий фикрловчи истеъдодли олимлар билан тўлдирилди. Институтнинг ва республикадаги етакчи олимларнинг фаол саъй-ҳаракати билан Ўзбекистон тарихида илк бора «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи» мавзусида ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» нашр этилди ва давлатчилик тарихига оид фундаментал III томлик монографиянинг 1 жилди тайёрланди. Қарангки, собик шўролар даврида 3 минг йиллик давлатчилик тарихига эга мамлакат тарихчилари «Ўзбек давлатчилиги» деган иборани ҳам ишлатишга ҳақли эмас эдилар. Мустақиллик қадрини тарихчи олимлар билмаска ким билсин?

Бундан ташқари Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид ёзма манбалар, археологик, этнографик материаллар ва илмий-қиёсий таҳлилга асосланган **«Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни»** номи йирик фундаментал тадқиқот ҳам нашр қилинди. Бу йўналишдаги дастлабки қадамлар мазкур мавзунинг совет даврида тақиқлангани ва махсус тадқиқот тарзда ўрганилмагани туфайли муайян қийинчиликлар билан бирга кечди. Лекин энг муҳими, олимларимизнинг фаол саъй-ҳаракатлари на-

тижасида тарих илмида устун турган ўзбеклар XVI асрда пайдо бўлган деган ғайри илмий ақидага тўлалигича барҳам берилди.

Умуман олганда, ўтган тарихан қисқа ва сермахсул йиллар давомида тарихчилар ва археологларнинг янги кашфиётлари асосида Ўзбекистон замнининг дунё цивилизациясининг энг қадимги ва бой маданият марказларидан бири эканлиги исботланди. Қолаверса, айнан мустақиллик йилларида тарихчилар жамоасининг Тарих институти етакчилигида олиб борилган самарали тадқиқотлари ҳамда фаол саъй-ҳаракатлари туфайли ижтимоий фанларнинг ўзаро бирлигига асос солинди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихи нафақат тарихчилар томонидан, балки, археолог, этнологлар, санъатшунослар, иқтисодчилар ва файласуфлар кўмагида яратилади. Чунки халқ тарихи бу унинг кўп

риф буюрган жаҳонга машҳур тарихчи олим Амстердам университетининг профессори Вильям ван Шендел бизнинг олиб бораётган тадқиқотларимиз ва соҳада эришган ютуқларимиз билан танишиб ўзининг эҳтиросларини яширмаган ҳолда «Мен ниҳоятда ҳайрат ва таажжубдаман, Нидерландия деган Европа мамлакатидан келиб Ўзбекистоннинг нафақат кўп минг йиллик тарихидан балки мамлакатингиз тарихчиларини замонавий услубларда олиб бораётган тарихий тадқиқотлари ҳам мутахассис сифатида кўп фойдали тажрибалар олиш мумкинлигига амин бўлдим» — деб тўлқинланиб гапирган эди. Қолаверса, мамлакатимизда тарих илмининг тараққий этиб дунё миқёсида тан олинаётганлигига жараҳондаги йирик мутахассис олимлар иштирокида ЮНЕСКО ҳомийлигида Марказий Осиё халқлари тарихига бағишланиб

ломатияси университети ва Бухоро Давлат университети билан ҳамкорликда «Бирлашган Ўзбекистон тарихи» кафедраси ташкил этилди.

Ютуқлар ҳам ҳисобни яхши кўради. Агар биз айрим статистик маълумотларга мурожаат қилсак, кейинги беш йил ичида институт жамоаси томонидан тарихга мутлақо янги услубий ёндошувлар билан алоҳида ажралиб турган 40 га яқин монографиялар, 50 дан ортиқ илмий-оммабоп рисоалар, 5 та илмий тўплам, 11 та дарслик ва ўқув қўлланмаси, 400 дан ортиқ мақола мамлакатдаги ва 300 га яқин мақола хорижий журналларда эълон қилинди. Халқимизда олимларнинг заҳматли меҳнатлари эвазига яратиладиган тадқиқотларни рамзий тарзда игна билан қудуқ қазिशга қиёсланишини эсласак, бу рақамлар замирида узоқ йиллар мобайнида олиб борилган

қандай машаққатли меҳнат ётганини аниқлаб олиш қийин эмас. Ўз навбатида шунга таъкидлаш жоизки,

мазкур меҳнат қанчалик қийин ва машаққатли бўлишига қарамай, унинг якунида эришилган натижа тарзида эълон қилинган ишлар ҳар бир олим учун олам-олам шодлик, қувонч олиб келиши табиий бир ҳолдир. Бундай хурсандчиликни, яъни биттагина китобнинг нашрдан чиқишини фақат фарзанд туғилишидаги шодликка қиёслаш мумкин. Мустақиллик даврида юзага келган «O'zbekiston tarixi» илмий журнали тарихчиларнинг энг катта эришган ютуқларидан биридир. Мазкур журналнинг ижтимоий фанлар тизимидаги энг обрўли ҳамда қизиқарли журналлардан бири тарзида доимий чоп этилиб келаётганлиги алоҳида эътиборга сазовор ҳодисадир.

Мустақиллик йилларида тарихнинг турли босқичларида мамлакатнинг тобора тараққий этиши учун куч ва ғайратларини аямаган кўплаб фидойи аждоғларимизнинг унутилган номлари қайта тикланди. Жумладан, мамлакатимизнинг барча тарихчилари фаолиятини уйғунлаштириш ва долзарб тарихий муаммоларни муҳокама қилиш учун машҳур ўзбек академиги **Яхё Фуломов** номидаги **«Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи»** мавзусидаги анъанавий семинар ташкил этилди. Нима учун айнан шу инсон номи эсга олинди?! Чунки у нафақат буюк олим, балки Ватани ҳақида қайғурадиган буюк инсон ҳам эди. Бу ўринда Президентимизнинг Яхё Фуломов тўғрисида: «Мен академик Яхё Фуломовни яхши билардим. У мустақиллик қирғи эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган одам эди. Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар бутун бир шаҳар ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шун-

дай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яхё Фуломов бўлганини мен яхши эслайман. Бу фазилати туфайли тазийқ кўрганни ҳам эшитганман, лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим» — деган таърифи эсламоқ жоиз. Семинарда тарих фанида долзарб бўлиб турган қатор муаммолар ўз ечимини топмоқда ва бунда тарихчи олимларимизнинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган сермашаққат меҳнатлари билан бирга тарихчиларимизни буюк ўзбек олимнинг руҳий мадади ҳам қўллаб-қувватлаб турган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, вилоятларда ўтказилаётган семинар йиғилишлари барча тарихчиларни бирлаштиришга имкон яратмоқда. Бундан ташқари, институт тарихга ихтисослашган Республикадаги қатор мактабларга ҳам илмий ҳомийлик қилляпти. Чунки чинакам тарихчи шаклланиши мактаб курсидан бошланади.

Бугунги кунда тарихчилар жамоаси олдида ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. Бу нафақат ўзининг жамятидаги мавқеи ва илмий нуфузини асраш, айна пайтда, илмий ҳолисликка асосланган ҳолдаги **яхлит 7 жилдлик Ўзбекистон тарихини** яратиш билан давлат томонидан билдирилган ишончни оқлаш узоқ йиллар давомида тарих фанининг фидойи намояндalари туфайли институтда қарор топган илмий анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш орқали уни сезиларли даражада оширишдан иборат.

Умуман олганда мустақиллик тарих фани ривожини ва унинг тараққиёти учун улкан ҳисса қўшганлигини яна бир бор эътироф этган ҳолда шунга таъкидлашимиз керакки, бугунги кунда яратилаётган миллий тарихимиз нафақат ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи манба балки халқ — маънавиятнинг асоси ва Миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисмидир. Чунки буюк аждоғларимизнинг ҳаёти ва ижоди ўсиб келаётган ёш авлод учун ибрат намунаси, уларни маънавий ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш манбаи ҳисобланади. Холисона ёритилажак тарих миллитнинг мураббийсига айланиши лозим.

Тарихни ҳеч қачон танламайдилар. Ўтмиш, эҳтимол, шон-шараф ва ғалабаларга тўлиб-тошгандир, лекин, айна пайтда, у нохуш ва фожиали саҳифаларга ҳам эга. Тарихчилар ва барча ўз Ватанини севувчи ва унинг истиқболини ўйловчи инсонлар тарихни ҳолис идрок этиб, ундан келгуси тараққиётга хизмат қилиши мумкин бўлган ижобий жиҳатларни топишлари керак. Инчунун машҳур ўзбек тараққийпарвари Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақли тарзда таъкидлаганидек — «Мозий-келажак тарозисидир». Ҳар бир ўтган кунимиз мозийга айланар экан, уни гўзал ва файзли қилиш бизнинг кўлимиздадир.

**Дилором АЛИМОВА,**  
тарих фанлари доктори,  
профессор  
**Адхамбек АШИРОВ,**  
тарих фанлари номзоди



минг йиллик давлатчилик тарихи, шахар-созлик аъналари, бой ва юксак тараққий этган моддий ва маънавий маданияти, хўжалик аъналари-ю иқтисодий муносабатлари тарихидир.

Мустақиллик даврида эришилган энг муҳим натижалардан бири мамлакатимиздаги тарих фани тараққиёти ва бажарилаётган тадқиқотларнинг хорижий мамлакатлардаги йирик илмий марказлар томонидан эътироф этилишидир. Собик шўролар тузуми даврида тарихчи олимларимиз ўзларининг илмий тадқиқотларини дунё миқёсида тарғиб ва ташвиқ қилиш, ўзаро ҳамкорликда илмий лойиҳаларда иштирок этиш, тарих фанининг долзарб мавзулари доирасида илмий симпозиумлар ҳамда конференциялар ўтказиш имкониятларига эга эмас эди. Хорижий мамлакатларда фаннинг долзарб муаммоларига бағишланиб ўтказиладиган илмий анжуманларда, симпозиумларда кўпинча Марказ олимлари иштирок этар ва чет эллик мутахассислар фақатгина Марказдаги тарихчи-мутахассисларнинг тадқиқотларидангина бохабар эдилар. Лекин хорижий мамлакатлардаги илмий марказларнинг тадқиқотчилари ўзбекистонлик тарихчилар билан доимий мулоқат ўрнатишни ва биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришни жуда-жуда хоҳлар эди. Ўз навбатида хориждаги ҳамкасбларимиз тарихнинг қайсидир муҳим мавзусига бағишланган анжуманда иштирок этишимизни тақлиф этиб тақлимномалар юборишга кўп ҳолларда ушбу тақлимномалар узоқ муддат ушланиб, баъзи ҳолларда бирикки ойга кечкиб, улар очилган ҳолда етиб келар эди.

Мустақиллик туфайли тарихий йўналишда олиб борилган тадқиқотларимиз дунё миқёсига чиқди ва эътироф этилди. Бу борада, 2003 йил институтга таш-

тайёрланган кўп томлик тадқиқотда ўзбекистонлик 12 нафар тарихчи муаллифининг иштироки ва биргина Тарих институтининг 4 та йирик халқаро грантдаги фаолияти ҳам бевосита мисол бўла олади. Яна шунга алоҳида бир шараф билан эслаш жоизки, айнан Мустақиллик йилларида хориждаги йирик ривожланган илмий Марказлардан Ватанимиз тарихини ўрганиш мақсадида тадқиқотчи олимлар ташриф буюрмоқдалар ва маҳаллий тарихчиларнинг илмий раҳбарлигида тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Бу маънода ҳам айнан Тарих институтидаги аспирантура ва тадқиқотчилик (стажировка) тизимида Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Туркия, Япония, Германия, Россия каби мамлакатлардан келган ёш, иқтидорли ва талакали тарихчи мутахассислар ўзаро ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бораётганликларини таъкидлаш жоиз. Институт ходимлари ва қолаверса кўплаб маҳаллий тарихчилар учун илгари бундай ҳамкорликни амалга ошириш ушалмас орзу эди.

Мустақиллик йилларида бажарилган энг муҳим ишлардан яна бири — тарих соҳасида фан ва таълим муштараклигининг ўрнатилганлигидир. Олдинлари тарихчи олимларимиз кўпроқ илмий асарлар ёзиш билан банд бўлган бўлсалар, мустақилликдан кейинги даврда уларнинг олиб борган назарий-методологик тадқиқотлари илмий ва илмий-оммабоп нашрлар ва ўқув қўлланмалари тарзида чоп этилиши билан бирга Республикадаги ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган қатор Олий ўқув юрларида ўқув жараёнига ҳам татбиқ қилина бошланди ва институтда ижтимоий фанлар тизимида илк мартаба Ўзбекистон Миллий университети, Низомий номи Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Ислам университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дип-

Ўтган 1993 йилда Ўзбекистон Мустақиллигининг баркамоллиги, мустақамлиги айна бир нурамак гишт кўйилди. Бу гиштнинг халқимиз ўз меҳнати, орзулари, келажак, фаровон кунлари нияти ила ихлос билан кўйди. Наврўзимиз, Рамазон ва Қурбон ҳайитимиз, Муборак ҳаж маросимлари инсонийлик, меҳр-шафқат туйғуларига ўқилди ҳолда ўтдики, бу иймон, диниётимиз мустақамлигидан далолатдир.

Мустақиллигимизнинг икки йиллик тантаналари довуғи жаҳонга ёйилди. Энг муҳими, йиллар давомида тинчлик, хотиржамлик, ўзаро тотувлик ҳукм сурди. Бу албатта ҳеч шубҳасиз, энг аввало Юртбошимизнинг етти ўлчаб бир кесадиган оқилона ва одилона сиёсатининг меvasи эди. Бу сиёсатнинг тўғрилигини ҳозир ҳам ҳамма тан олмақда, меҳнаткашларни, халқни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган изчил тадбирларга юқори баҳо бермоқда.

Албатта, биз журналистлар ҳам давр билан бақамти қадам ташлашга ўрганганмиз. «Оқшом» газеталарининг ходимлари бундан мустасно эмас. Газета ўз чиқишларида давр билан ҳамнафас бўлиб, кундалик ҳаётни изчил ёритиб борди. Қўлга киритган утуқлар, йўл кўйган камчиликлар ҳақида ошқора ёзилди.

Агар бугун биз ҳикоя қилаётган «Оқшом»нинг 1993 йилги саҳифаларини варақлаб, ундаги битикларга кўз ташлаган киши қорондаги фикримизнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилади. Гап исботи билан дегандек, мисол тариқасида ўша йиллари газеталарда чоп этилган бир қатор мақолаларни санаб ўтишимиз, баъзиларини эса ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун бироз шарҳлашимиз ҳам мумкин.

«Келажакни белгилловчи омил», «Ҳалоллик — буюклиқдир», «Аввал иқтисод», «Кийинчиликлар ортада қолди», «Саноғини билмасанг, сондан чиқасан», «Умумдорликни оширадиган дастгоҳлар», «Давлат — асосий ислохотчи», «Янги валютга ўтиш инқилоби билан барбордир», «Инсон боши — сойнинг тоши», «Иқтисодий ислохотнинг сиёсий хижатлари» каби мақолалар ўша йилги газетамиз саҳифаларида ёритилган энг яхши мақолалар туркумига кирди. Айниқса, улар орасида «Оқшом»нинг 1993 йил 4 май сониди эълон қилинган «Кўп болали оилаларга ғамхўрлик» мақоласи оқимондор диққатни ўзига тортганди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йилда республика аҳолисини болаларга аталган моллар ва ип-газламалар билан белгиланган миқдорда имтиёзли нархларда таъминлаш тўғрисида»ги қарори кўп болали аёллар, кам таъминланган оилалар, айниқса кичкинтойлар учун айна мудабо бўлганлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлида қилинган бу ғамхўрликни республикамизнинг бутун жамоатчилиги мамнуният билан қутиб олганлиги ҳақида сўз боради.

Шу ўринда «Оқшом»нинг 21 март сонидида чоп этилган «Кўнгил — чинни пиёла» мақоласи устида ҳам бир зум тўхтагимиз келди. Асосан инсонийлик фазилатлари хусусида фикр юритилган бу мақолани ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

«Инсон ўз умри давомида жуда кўп савобли ишлар қилиб улғуриши мумкин. Баъзан эса у ўзи билмаган ҳолда хатога ҳам йўл қўяди. Агар хайрли иш қилаётганини ўзи билса, ундан бахтли одам йўқ, жуда енгил ҳис қилади ўзини. Шунинг учун гуноҳдан қўра, савоб минг бор афзалдир. Тўғри, кимнидир бахтиёр этиш, беоморни оёққа тургазиш, камбағални бойитиш, нажотсизга умид бағишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бирок, чорасиз қолган инсонга йўл-йўриқ кўрсатиш, узоқ хасталиқдан эшикка зор-интизор бўлиб термулиб ётган, ҳеч ким йўқ беоморнинг аҳволидан хабар олиб, икки оғиз ширин сўз айтиб кўнглини олиш, бошига мусибат тушган бир дилафторнинг дардига ҳамдард бўлишга ҳаммамиз қодирмиз. Ахир, кўнгли учун ўлмақ керак, деб бежиз айтмаган донолар. Биз бир кунда қанча гуноҳ қилишимизни билмай-

миз. Лекин битта бўлса ҳам савоб ишга қўл урсак инсонийлик бурчимизни адо этган бўламыз. Бу бурч яхшилик уруғи ила сочиливереди. Зеро, кўнгилга олмақ ҳам савобдир».

Инсон ўз умри давомида қилган гуноҳу савоблари ҳақида сўз юритган мақола ўқувчини ўйлантиради. Уни гуноҳи азимдан илоҳи борича қочиб, умрини савобли ишларга бахш этишга чорлайди.

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида ўша йил учун характерли бўлган «Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт» рўкни остида ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ва муаммолари, хусусийлаштириш масалалари бўйича ҳам тез-тез чиқишлар қилиб турилди.

«Миллий Истиқлол мафқураси. У қандай бўлиши керак?» мақоласи ўша йилнинг энг кўзга кўринган давра суҳбатларидан бири бўлди. Унда ўз Истиқлол ва таракқиёт йўлини танлаб олган Ўзбекистон Республикаси сиёсий

1993 йил «Оқшом» газеталарида адабиёт ва санъатга оид мақолалар ҳам кенг ёритилди, десак хато бўлмайди. Ўзбекистон Халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Ибройим Юсупов, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсинларнинг мақолалари, Мирзо Бобур, Абдулхамид Қўлпон, Абдулла Қодирий ва рақс юлдузи Мукарама Тургунбоева ижоди ва хотирасига бағишланган саҳифалар фикримизнинг далили бўла олади. Ушбу саҳифалар ичида академик шоиримиз Фафур Фуломнинг 90 йиллиги муносабати билан «Не бахтиёр дўстларга «Ассалом!» демак, шундай улуг айём, ёп-ёруғ кунда» рўкни остида берилган саҳифа алоҳида ажралиб туради. Устоз-шоирга бағишланган мақолалар орасида Ўзбекистон халқ шоири Миртемирининг эсдаликлари анча эътиборлидир. Унда Фафур Фулом ҳақида шундай илиқ сатрлар битилган.

«Фафур Фулом қалам меҳнатидида ўхшаши кам, ўтроқ, бедор, топоғон инсон эди», дов шоир эди. Янги дунё шеърятининг эшиги бошида турганлардан бири, ўзбек шеърятини поғонама-поғона жаҳон минбарига кўтарганлардан бири Фафур Фулом эди. Унинг шундоқ шеърлари борки, уларнинг ҳар бири бир дунё, бир кашф, бир санъат, бир чўққидир. Фафур Фулом етакчи шоир, устоз шоир. Унда фақат Фафурга хос жаранг, фақат

## Ҳикоя саҳифаси

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КҮНЛАРИ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ҲИКОЯ

ва иқтисодий мустақилликка эришибгина қолмай, балки маънавий мустақилликни ҳам таъминлашга интилаётганлиги ҳақида сўз боради. Ушбу давра иштирокчиларидан олим Пўлат Ҳабибуллаев ўз фикрини қуйдигача баён этади.

— Биз яратмоқчи бўлган миллий Истиқлол мафқураси шундай пойдевор устида бунёд этилиши керакки, уни сел ҳам, бўрон ҳам, зилзила ҳам йиқита олмасин. Ўзи халқимизнинг ана шундай бақувват маънавий пойдевори бор. Бу унинг узоқ тарихга эга қадриятларидир. Илм эгаллар, фозилларни ҳурмат қилиш — халқимизнинг ана шу азалий фазилатларидан бири ҳисобланади.

Тарбия масалалари ҳақида гап кетганда жамиятда оиланинг мавқеини тиклаш ва улуғлаш заруриятини алоҳида таъкидламоқчиман. Халқимиз «Кўш уясида кўрганни қилади» деб бежиз айтмайди. Бола оилада яхши тарбияланмаса мактаб ҳам, жамоат ташкилотлари ҳам бунинг уддасидан чиқши мушкул. Шу боисдан, айниқса, жамиятимизда оналар обрўсини оширишга эътибор кучайтирилиши керак. Хотин-қизларимиз замонавий билимларни эгаллабгина қолмасдан, энг юксак маданият соҳиблари ҳам бўлишлари керак.

Ўзбекистонда кўп миллатли маданият ривожланиб бораётганлиги ижобий ҳол. Турли халқлар маданияти ўзбек маданиятини бойитишга хизмат қилади. Шундай экан, жаҳон халқлари яратган дурдоналардан албатта баҳраманд бўлишимиз шарт. Қонунга ҳурмат, унга итоат қилиш ҳуқуқи давлат фуқароларининг асосий фазилатидир. Бу миллий Истиқлол мафқурасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши лозим.

Хуқуқшунос олим Акмал Саидов эса миллий Истиқлол мафқураси ҳақида шундай дейди.

Мен сўзимни атоқли шоиримиз Фафур Фуломнинг «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» деган машҳур шеъри билан бошлашимнинг боиси бор. Фикримча, ватанпарварлик — миллий Истиқлол мафқурасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Миллий Истиқлол мафқурасини ишлаб чиқишда биз Шарқда қадимдан мавжуд бўлган «хамса»-чилик аъналарига мурожаат этишимиз фойдадан холи эмас.

Таъбир жоиз бўлса, мен мафқурани маънавийтулган қиёслаган бўлур эдим. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўла-жақ давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам»дир. Шундай экан, биз маънавий тикланиш ва покляниш орқали миллий Истиқлол мафқурасини яратишимиз мумкин.

ўзига хос авж, фақат унга хос барқ бор, йўсин бор. Узидек чўнг, чинордек чатир, чидамилликка қайроқтош, билимликда аллома ва қаламашликда шоири замон эди. Фафур оға ҳар қалай, ановманов тўрт қаламқаш яратгудек асар ташлаб кетди. Тўрт қаламқаш зўрга бажаргудек шеър, поэма, қисса, ҳикоя ва ҳажв ҳамда таржима, бадийий ўйлар, эсда қолгудек давр овози, деса арзигудек шеърлар. Ҳеч бўлмаса, «Соғиниш», «Сен етим эмассан», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Вақт» каби ўндан ортиқ битилган шеърлар. Улуғ Навоий, Машраб, Атоий каби улуг алломалар ҳақидаги адабий мақолаларини эслайлик. Қалбан бадавлат, маънавий дунёси бой одам эди Фафур Фулом. Суҳбати саҳий, жондош, инсоннинг вақти-вақти билан ўзидан кичикларга туртки ва маслаҳатини аямай-диган бир фазилати бор эди унинг. Не-чоғлик кўнглидан ва дилкаш бўлса, шунчалик ловулдоқ ҳам ғазабли, ҳам кекли эди. Ёш боладек ишонувчан, жангчидек беаёв эди. Ким бўлмасин қусур ва но-донлигини юзига айтар ва ўз навбатида камчилигини пайқаб қолса, «Одам камчилиқсиз бўлмас» дея уэр айтар, шундоқ мард ва ўзбекий танти эди».

Албатта Фафур Фулом ҳақидаги бу ширин хотирани ҳаяжонланмасдан ўқиш қийин. Унда шоирнинг бетакор харақтери аниқ чизгиларда берилди. Қаршимизда эса худди унинг ўзи тургандек. Ушбу битикларни ўқиган киши беихтиёр шоиринг

**Азиз асримизнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,  
Фурсат ганиматдир шоҳ сатрлар-ла,  
Безамок чоғидир умр дафтарин,**  
деган сатрларини ёдга олиши шубҳасиз.

«Оқшом» газеталарининг хайрли ишларидан бири яна Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинган йилдан бошлаб пойтахтдаги йирик қорхона ва ташкилотлар ҳомийлигида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига бағишлаб ижодий танловлар ўтказиб келишидир. Уларда журналистлар билан бир қаторда маънаватимизнинг, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг таниқли ёзувчи ва шоирлари иштирок этдилар. Танловларга юборилган, газеталаримизда чоп этилган очерк, дoston, лавҳа, шеър, мақола, суратларни буюк келажакни бунёд этаётган Ватанимизнинг Истиқлол, Хуррият, Бунёдкорлик қасидалари деса бўлади. «Оқшом» танлови голиблари орасида жуда кўплаб Ўзбекистон халқ ёзувчилари ва шоирлари ва иқтидорли журналистларнинг номларини кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» ижодий танлови юртимиз маҳфияномасининг янги боиларини тўлдиришга хизмат қилди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## Шарқ дурдоналари



● Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Дончиманд — баққолнинг дўконига ўхшайди, борини индамайгина кўрсатади — қўяди; нодон эса лашкар ногорасининг ўзи: овози бандуи, ичи бўм-бўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапирди, телба-нодон одам эса доимо гапирди, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва гийбатчидир.

● Фақат нодонларгина кулмай яшайдилар.

● Ҳақиқатга асосланган истеҳзо қалба наштардек санчилади. Ҳикоят: кўр киши қоронгу кечанда қўлида чироқ, елкасида кўзача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб, деди:

— Эй нодон, сенинг учун кечадундузинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик қайроқтош, билимликда аллома ва қаламашликда шоири замон эди. Фафур оға ҳар қалай, ановманов тўрт қаламқаш яратгудек асар ташлаб кетди. Тўрт қаламқаш зўрга бажаргудек шеър, поэма, қисса, ҳикоя ва ҳажв ҳамда таржима, бадийий ўйлар, эсда қолгудек давр овози, деса арзигудек шеърлар. Ҳеч бўлмаса, «Соғиниш», «Сен етим эмассан», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Вақт» каби ўндан ортиқ битилган шеърлар. Улуғ Навоий, Машраб, Атоий каби улуг алломалар ҳақидаги адабий мақолаларини эслайлик. Қалбан бадавлат, маънавий дунёси бой одам эди Фафур Фулом. Суҳбати саҳий, жондош, инсоннинг вақти-вақти билан ўзидан кичикларга туртки ва маслаҳатини аямай-диган бир фазилати бор эди унинг. Не-чоғлик кўнглидан ва дилкаш бўлса, шунчалик ловулдоқ ҳам ғазабли, ҳам кекли эди. Ёш боладек ишонувчан, жангчидек беаёв эди. Ким бўлмасин қусур ва но-донлигини юзига айтар ва ўз навбатида камчилигини пайқаб қолса, «Одам камчилиқсиз бўлмас» дея уэр айтар, шундоқ мард ва ўзбекий танти эди».

Кўр киши қулиб айтди:  
— Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўшаган кўнгли кўзи кўр бехабарлар, кўнчидир, токи менга урилиб, қўзачанинги синдириб қўймайсан.

● Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечоралоқ бўлганларни кўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақиллик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:  
— Бу ерда, бу саҳрою биебонда мендан оғирроқ, бечорароқ, паршонан яна ким бор? — деб йилғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дард-мақд одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлингдан кетавер. Эшакка минмаган-га, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

● Доно билан сўзлашганда камгап бўл.

● Яхши гапиршиш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.


● Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай бишлишдир.

● Тинглашда биринчи, гапиршишда эса охиригиси бўл.

● Агар жоҳиллигим намоян бўлмасан десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла.

ҚИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Ғулистони бит туркий»да ушбу хикмати ҳам айтиб ўтганлар. Ҳақимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқдор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу эса — жоҳиллик, жаҳл аломатидир.

Ҳикматдан маълум бўладики, суҳбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулқ, соломқ кетар экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрناق осли бўлади-деган фикр бўлиб, ундан фойдаланган мақсадга мувофиқдир.



## Кўрғазмалар

# ЮРТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

Кеча «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўрғазмаси ўз иштини бошлади. Юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб уюштирилган бу йилги кўрғазма экспозицияларидан республикамизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатувчи 250 дан ортиқ мулкчиликнинг ҳар хил шаклларига оид корхоналар, компания ва фирмаларнинг замонавий ҳамда рақобатбардош маҳсулотлари ўрин олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг июнь ойида қабул қилинган, юртимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш ва ишбилармонларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга йўналтирилган қатор Қарор ва Фармонларнинг амалраси ўлароқ бизнесменларда мазкур кўрғазма кучли қизиқиш уйғотди. Ва иштирокчиларнинг тарқибига назар ташлар эканмиз, 105 та қўшма корхона, 60 дан ортиқ давлат ташкилотлари ҳамда 90 та

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан қатнашаётганлигини кўра-миз. Бу ўтган йилдаги кўрғазмага таққослаганда сезиларли даражада юқори кўрсаткичдир.

Кўрғазма стендларидан халқ истеъмоли моллари, экспортга йўналтирилган ҳамда хорж маҳсулотларининг ўрнини босувчи моллар ўрин олган бўлиб, мутахассис ва муҳлислар саноатнинг етакчи тармоқлари — самолётсозлик, автотомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат,

электротехника соҳаларига оид ютуқлар билан танишишлари мумкин.

Павильоннинг марказий қисмида эса минерал-хом ашё ресурслари, қурилиш материаллари, енгил саноат маҳсулотлари кенг намойиш этилмоқда. Айниқса, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Чалов номидаги Тошкент авиация

ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти каби етакчи корхоналарнинг маҳсулотлари келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Алоҳида очик майдонда замонавий ва ихчам «Ласетти», «Матиз», «Нексия» ва «Дамас» автомобиллари, автобуслар, микроавтобуслар, юк машиналари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига оид турли-туман техникалар намойиш қилинмоқда.

Албатта бундай кенг кўламли кўрғазма мамлакатимизнинг компания, фирма ва корхоналари учун нафақат ўз маҳсулотларини намойиш этиш учун ажайиб имкониятни юзага келтиради, балки хоржлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, амалий битимларни имзолаш учун қулай замин ҳамдир.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА:** кўрғазмадан лавҳалар.

Дилшод Юсупов (ЎЗА) олган суратлар.

Республика ўқувчилар саройида «Спорт - тинчлик элчиси» мавзuida ёш мусаввирлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Истиклолимизнинг 14 йиллигига бағишланган ушбу тадбир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридagi Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

## ЁШ МУСАВВИРЛАР ТАНЛОВИ

Улғайиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама етуқ ва баркамол, азалий қадриятлар ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, йилгит-қизлар орасида миллий спорт уйинларини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган танловнинг якуловчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан қарийб юз нафар истеъдодли ўқувчи иштирок этди.

Самарқанд шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази тасвирий санъат тўғрисидаги аъзоси Хасан Хайдаров ҳамда Республика ўқувчилар саройи тасвирий санъат тўғрисидаги қатнашчиси Максуд Толипов биринчи ўринни эгаллади. Фотиба ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбир доирасида Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида оммавий сайл, асфальтга расм чизиш машғулотлари бўлиб ўтди. Республика ўқувчилар саройида ижодкор ўқувчилар расмлари кўрғазмаси намойиш этилди.

ЎЗА

## МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШ УЧУН

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси 2007 йил охиригача «Она ва бола скрининги» дастури бўйича 6,736 миллион АҚШ доллари сарфлашни режалаштирган.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда ўн та скрининг маркази фаолият кўрсатмоқда. Шундан тўққизтаси республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган бўлиб, уларда ҳомиладор аёллар ва оналик бахтига мунасар бўлганлар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

— Бу даргоҳларда миллатнинг генофондини асраш учун барча шарт-шароитлар яратилган, деди республика скрининг маркази директори Мадина Шарипова. «Она ва бола скрининги» дастури бўлаётганда тугма ақлий етишмовчиликни аниқлаш ва уни даволашга, шунингдек, ҳомила-

дор аёллардаги ҳомиланинг нотўғри ривожланишининг олдини олишга йўналтирилган. Она ва бола таназидаги хасталикларни ўз вақтида аниқлаш даволаш тадбирларини самарали ўтказишга ёрдам беради.

Скрининг марказларида 2003 йилдан буюн 78 минг ҳомиладор аёлга ташхис қўйилди. «Она ва бола скрининги» дастурининг биринчи босқичи аввалгида 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорига асбоб-ускуна харид қилинган бўлиб, жорий йилда 184 минг АҚШ долларлик ташхис ускуналари олинди.

Хусан СУЛАЙМОНОВ,  
«Туркистон-пресс»

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2005 ЙИЛНИНГ 16,20,23,27,30 СЕНТЯБРЬ ВА 4,7,11,14,18,21,25,28 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН АУКСИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! САВДОЛАРГА ҚЎЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган "O'zbekengilsanoat" ДАК Ишлар бошқармасининг:

-1997й. и/ч, д/р 10UZ 607 бўлган Дәу Супер Салон русумли а/в. Бошланғич нархи 2 929 150 сўм.

-1995й. и/ч, д/р 10AK 210 бўлган ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 666 000 сўм.

-1993й. и/ч, д/р 10AK 637 бўлган ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 077 953 сўм.

-1992й. и/ч, д/р 10AX 942 бўлган ГАЗ 3102 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 646 515 сўм.

Чилонзор тумани, Х.Дўстлиги кўчаси, 29-уйда жойлашган "UZ-WINKLER" Ўзбекистон-Германия ККнинг:

-1996й. и/ч, д/р 52-56 ТНД бўлган

ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 064 000сўм.

-1996й. и/ч, д/р 02-02 ТНЗ бўлган ГАЗ 330210 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 090 000 сўм.

-1998й. и/ч, д/р 10AB 565 бўлган Дамас русумли а/в. Бошланғич нархи 1 067 820 сўм.

-1996й. и/ч, д/р 56-09 ТНД бўлган Дамас русумли а/в. Бошланғич нархи 1 032 226 сўм.

Чилонзор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 45-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 1995й. и/ч, д/р 10AO 032 бўлган ГАЗ-31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 081 300 сўм.

Чилонзор тумани, Х.Дўстлиги кўчаси, 51 "А"-уйда жойлашган Чилонзор туман

Давлат солиқ инспекциясининг 1997й. и/ч, д/р 10BB 199 бўлган Нексия русумли а/в. Бошланғич нархи 3 139 804 сўм.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридagi закатал пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА О 4 2 5 , С Т И Р 2 0 4 3 9 9 6 7 . 2021000804243151001 х/р тўлайдилар. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдолар Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А»-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

## Мурра олам

### ҲАЙВОНЛАР УЧУН «ОШХОНА»

Ёввойи мевали дарахтлар участкаси Донбасс ўрмонларида яшовчи ҳайвонлар учун «ошхона» хизматини ўтапти. Украинанинг жанубий шарқидagi энг йирик Краснолимон ўрмон хўжалигининг ишчилари бундай хайрли ишга қўл урдилар. Хозир илгарилари бўм-бўш ётган ерлар, жарликлар ёқасидаги ерларда, нок, маржон дарахтлари, смородина кўчалари кўкка бўй чўзаяпти. Халқ депутатлари район Советининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доимий комиссияси бу ибратли ишнинг ташаббускори бўлди. Шунингдек, бу ерда ўрмон жониворларига (эқтиёж туғилганда) қўшимча озуқа бериш учун ошхоналар, сув бассейнлари барпо этилиб жиҳозланмоқда.

120 минг гектар ерни банд этган Донбасс ўрмонларининг учдан бир қисми инсон қўли билан бунёд этилган. Хозир бу ерларда яқиндагина йўқолиб кетиш хавфи бўлган ёввойи чўчалар, лось, кавказ тустовуқлари ҳамда кулранг қакликларнинг яйраб яшашлари учун қулай «уй»лар муҳайи. Шу боисдан ҳам улар сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

### АВТОМАТ САРАЛАЙДИ

Болгариянинг Пловдивдаги озиқ-овқат саноати институти ходимлари Германия қишлоқ хўжалик фанлари академиясига қарашли механизация институти коллективи билан ҳамкорликда картошкани сараловчи автоматик мослама яратишди. У АСЦ-ЗК деб аталади. Автоматик мослама ёруғлик нури ёрдамида ишлаб, саралаш билан бирга уруғлик картошканинг ички ҳамда ташқи томондан шикастланганлиги даражасини ундан уруғлик сифатида, шунингдек, қайта ишлаш ёки озиқ-овқат ўрнида фойдаланиш мумкинлиги ёки йўқлигини аниқлаб бера олади.

Янги мослама бу йил Пловдивдаги Георгий Дмитров номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси комплексида жорий этилади.

### КАТТА ЁШДАГИЛАР УЧУН ҚЎГИРЧОК

Гапирувчи қўғирчоқларга аёлларнинг қизиқиши Токио университетлари сотувчиларининг ҳамон ажаблантирмоқда.

Ҳамма гап шундаки, деб ишонтирмоқда савдо рекламаси бўйича мутахассислар, одам ҳеч қачон замонавий улкан шаҳарлардагидек ёлғиз, кимсасиз бўлмайди. Айнан одамларнинг ўзаро мулоқоти «ноёб» воқеа бўлиб бораётган ҳозирги пайтда токиоликларнинг гапирувчи қўғирчоқларга бўлган талаби беҳиз эмас.

«Бехуда нарсаларга ташвишланаверма», — дейди улардан бири ўз соҳибига. «Буюмларга эътиборсиз бўл», — дейди иккинчиси, базилари ҳатто ўз хўжайинларига моҳирлик билан тақлид қила олади.

### ХОНАКИ ПЛАНЕТАРИЙ

Катания шаҳри университетининг астрономия факультети ходими Пьетро Массимио ишлаб чиққан махсус программа ёрдамида одатдаги хусусий компьютер экранда юлдизлар сайёрасини, Қуёш, Ер ва бошқа сайёралар ҳаракатини кузатиш мумкин.

**Спорт**

**ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШМОҚДА**

Россиянинг Самара шаҳрида баскетбол бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақаси бошланди.

Ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини МХСК клуби аъзоларидан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси ҳимоя қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, жаҳон чемпионати мусобақасининг гуруҳ баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари голиблик учун Греция, АҚШ, Голландия, Италия, Литва терма жамоаларига қарши кураш олиб боради.

Мазкур нуфузли турнирнинг финал беллашуви 22-август кунини ўтказилади.

**ШАЦКИХ АНГЛИЯГА БОРАДИМИ?**

Европа Чемпионлар лигаси баҳсларида муваффақиятсиз иштирок этган Киевнинг "Динамо" жамоасида бош мураббий Леонид Буряк истеъфога чиққанлиги муносабати билан ўзига хос ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

Шуниси эътиборлики, "Динамо"нинг аксарият ўйинчилари Киевни тарк этишлари ҳам мумкин. Қизиги, Англия премьер-лигаси вакили "Вест Бромвич" жамоаси мураббийлари ўз сафларида ҳамюртимиз, моҳир ҳужумчи, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Максим Шацкини кўришни хошлашапти. "Вест Бромвич" жамоаси бош мураббийси Робсоннинг гапларига қараганда, унинг жамоасига Шацкини жуда зарур. Шу боис ҳам клуб ҳамюртимизни сотиб олиш билан жиддий шуғулланади. Максимнинг ўзи ҳам Англияда ўйнаши мумкинлигини ҳеч кимдан яширмаяпти.

**"ЁШЛИК" — ФОЛИБ**

Республика "Маҳалла" жамғармаси, Халқ таълими вазири, "Камолот" ЁИҲ, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорликларида маҳалла болалари ўртасида ташкил этилган "Футболмиз келажиги" турнирининг 9-10 ёшлар ўртасида уюштирилган Тошкент шаҳар босқичи мусобақалари нихоясига етди.

"Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтган финал беллашувида Миробод туманининг "Билимдон" ҳамда Сергели туманининг "Ёшлик" жамоалари беллашдилар.

Мурасим баҳсларга бой, шиддатли кечган мазкур учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисобида яқунланди. Пенальтилар сериясида эса омад Сергели тумани ёш чарм тўп усталарига қулиб боқди. Рақиблар дарвозасига учта жавобсиз тўп йўллаган "Ёшлик" жамоаси аъзолари "Футболмиз келажиги" турнирининг Тошкент шаҳар босқичи голиблигини қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

**Тадбирлар**

**МИЛЛАТЛАР АҲИЛЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ**

Яқинда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Миллатлар аҳиллиги — юртимиз тинчлиги ва гуллаб-яшнашнинг гаровидир» шиори остида форум бўлиб ўтди.

Бугунги кунда 25 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган юртимизда 130 дан кўпроқ миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб, дўст ва иноқ ҳаёт кечириб, юрт мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқ ҳўжалиги ислохотларини амалга оширишда елкама-елка турби меҳнат қилиб келмоқда. Юқоридаги тадбирда ҳам турли миллатларнинг маданият марказлари, хорижий элчихона вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Мустақилликнинг 14 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик

ни сақлаш, ушбу йўналишда олиб бориладиган маънавий-маърифий, тарбиявий тадбирларнинг аҳамиятига тўхталдилар. Бу борада давлатимиз томонидан олиб бораётган ислохотларни қўллаб-қувватлаб, барча миллат ва элатлар яқдиллигини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидладилар.

— Бундай тадбирларни ўтказиш Ватанимизда истикомат қилаётган миллатларнинг маданияти, урф-одатлари, қадриятларини намойиш қилиш билан бирга уларнинг бир-бирига яқинлашуви ҳам таъминлайди, шунингдек ёшларнинг тарбиясига ижобий таъсир этади.

—Кечада ижро этилган қардош халқларнинг қўшиқ-қуйлари ўз жозибаси ва таъсирчанлиги билан тингловчилар эътиборини қозонди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори Рустам Хўжаев.

Тадбирни Халқ демократик партияси



марказий кенгашининг раиси Латиф Фуломов кириш сўзи билан очди. У мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жараёнларни юксалтиришда партиянинг тутган ўрни, миллатлар тотувлигини сақлашдаги фаолияти ҳақида маълумот берди. Тадбирда турли миллатлар маданий марказлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг тайёрлаган концерт дастурлари намойиш этилди.

Шунингдек, тадбирда иштирок этган Ўзбекистон санъат усталаридан Ғ.Ёкубов, О.Орифонов ва бошқаларнинг Ватан, дўстликни мадҳ этувчи мавзулардаги ижро этган қўшиқлари йиғилганлар оқшигига сазовор бўлди. Шу кунинг боғининг барча эстрада сахналарида турли мавзудаги давра суҳбатлари, спорт майдончаларида спортнинг барча турлари бўйича спорт ўйинлари ўтказилди. Уйлаймики, бундай тадбирларни ўтказиш халқлараро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ўтқир СУЛТОНОВ**  
СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.



**Мунажжам башорати**

**МЕҲР-ШАФҚАТ КУНИ**

17 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Бугунги кун илми нуҳумда фазовий муҳаббат одамлар қалбига қўйиладиган кун сифатида таърифланади. Шунинг учун бу кунни хайр-садақа бериш, ўзгалар дардига малҳам бўлиш билан ўтказиш керак. "Бу кўрсатмаларни бажармаган кимсалар аслида нуҳсонлидирлар", — деб ёзган экан ҳинд мунажжими Брахмагупта.

Ой тақвими ҳисобидаги 12/13 кун рамзи ҳам бугун ҳар бир инсонни ўз фикр-ўйлари ва гап-сўзлари мусаффолигига жиддий эътибор беришга даъват этади. Бировларни ҳақорат қилиш, ёмонлаш, бошқалар ҳисобига бойлик ёки мансабга эришиш қатъиян тақиқланади. Бугун ҳиссиётларни ҳўз урдириш, ўз истеъдодини номуносиб ишларга сарфлашдан тийилиш керак. Ҳар қандай қўполлик, дилзорлик ҳам йўл қўйиб бўлмайти.

Оқоридагиларни ҳисобга олиб, бугун ўзингизни ортиқча уринтирманг. Яхшиси, кунни табиат қўйнида ўтказиб, экинларга қараш, уй хайвонларининг овқати, сувдан хабар олиш, кўпроқ хотир-жамликка интилиш керак. Бугун аразлаб юрган ёки хафа бўлган кишиларингиз билан ярашиш, кечиримли бўлиш, ўзаро муносабатларни тиклаш фойдали.

Устингизга сув тўкилиши ёки ёмғирга қолиш — шахсий ишларингиз фўш бўлишига ишора. Пойабзалнинг йиртилиши душманлик ва алдовлардан огоҳлантиришидир.

Бу кеча кўрилган тушлар башоратли бўлиб, бирон-бир муҳим нарсани кашф этиши мумкин.

Шу кунни бўғимлар, суякларингизни эҳтиёт қилинг, тишларингиз оғриши, умуртқа поғонаси хасталикларга мойил бўлиши мумкин. Стоматолог ҳузурига ташрифни бошқа кунга қолдиринг. Шунингдек, бугун юракни зуриқтириш ёки юракдаги жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди.

Яшил ва кўк ранглар мажмуи устувор бўлган кийимлар бугун омадли ҳисобланади. Қизил рангли либослардан бугунча воз кечинг.

**ЧОРШАНБАДА:**

-зарурат бўлса - кундалик одадий ишларингизни давом эттириш;  
-ўзингизни қаттиқ уринтирмайдиган жисмоний меҳнат билан шуғулланиш;

-бирон ишга қўл уришдан олдин унинг ҳамма ижобий, салбий жиҳатларини таҳлил этиб чиқиш;

-дам олиб-дам олиб ишлаш, куч-қувватингизни аяб сарфлаш;

-ҳар қандай вазиятда босиқ бўлиб, ақл-фаросат билан иш қўриш;

-ёрдам керак бўлиб қолса - ҳамкасбларингиз, қариндошлар ва эски дўстларингизга муурожаат этиш тавсия қилинади.

Бугун янги ишни бошлашдан, ички туйғулариңгизга таянишдан, раҳбарлар билан мулоқотлардан, ошқозон хасталиги, биқиндаги оғриққа бепарволикдан эҳтиёт бўлинг.

**ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР**

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида таълим мазмуни ва сифатини янада юксалтириш, замонавий педагогик технологиялар ҳамда давлат таълим стандартларига мос янги дарсликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада тиббий кўмакка муҳтож ўқувчилар учун ўқув адабиётлари яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда ёрдамчи ва маҳсус мактаблар учун «Ўқиш китоби», «Она тили», «Математика», «Ўқиш», «Алифбе» ҳамда «Тарих» каби фанлар бўйича дарсликлар босмадан чиқарилади.

Республика таълим марказидан ЎЗА муҳбирига маълум қилишларича, ушбу дарсликлар юқори полиграфик сифати билан аввалгиларидан фарқланади.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга муурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

газеталари таҳририяти  
реклама агентларини  
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ обфет  
усули билан.  
2496 нускада босилади. Қўғот бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, қоршанба,  
пайшанба ва жума кўналари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар  
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент  
почтамини» — 133-74-05 телефонига муурожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбعا акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Қорхона манзил: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.